



Ишлаб чиқарувчи  
(юридик шахс)

1. Маркетплейс [аризасига асосан](#) ФМО билан интеграция бўйича шартнома имзоланади ва ФМО тизими билан [интеграция тўғрисида йўриқнома](#) қабул қилинади;
2. Маркетплейс томонидан ФМОга генерация қилинган CSR файл тақдим этилади;
3. ФМО CSR файлдан очиқ калитни олганидан сўнг, Маркетплейсга виртуал фискал модулни идентификациялаш учун очиқ калит сертификатини тақдим этади;
4. Маркетплейс тест кўринишидаги электрон чекларни шакллантиради (сотув, қайтариш, аванс, кредит) ва виртуал фискал модул сертификатидан фойдаланган ҳолда шахсий калити билан имзолайди ҳамда ФМОга юборади;
5. ФМО [Маркетплейс аризасига асосан](#) техник ва функционал хусусиятларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади;
6. [Офертада кўрсатилган реқвизитлар](#) бўйича 1 БХМ миқдорида ҳар бир виртуал фискал модул учун тўлов амалга оширилади.



Фискал маълумотлар  
оператори


Маркетплейсни давлат реестрига киритиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Солиқ қўмитасига [ариза тақдим этилади](#):

1. Маркетплейс дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан фискал маълумотлар операторининг хулосаси;
2. Шакллантирилган электрон касса чеклари намуналари;
3. Маркетплейс тизимининг эталон электрон намунаси (APK и URL website);
4. Маркетплейснинг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;
5. Фойдаланиш ҳужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ўрнатиш бўйича қўлланма ва солиқ инспектори йўриқномаси);
6. Маркетплейс дастурий маҳсулотининг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (патент). Бунда ҳужжат бошқа давлатдан олинган бўлса унинг манбаси кўрсатилади.



Солиқ қўмитаси

# Маркетплейслар томонидан электрон чекларни тақдим этиш схемаси



# Комитент ва комиссиянерни шакллантириш

